

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH
VAZIRLIGINING TIBBIY
TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI**



**CENTRE OF THE
DEVELOPMENT OF THE
MEDICAL EDUCATION OF THE
MINISTRY OF PUBLIC
HEALTH OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

700011, Toshkent, Parkent ko'chasi, 51
tel. (3712)268-13-11, 268-17-14
Faks. (3712) 268-13-11

51, Parkent str., 700011, Tashkent
office tel.: (3712) 268-13-11, 268-17-14
Fax. (3712) 268-13-11

№ Roll 11/32
2015 "5" сентябрь

Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий таълимни ривожлантириш маркази Мувофиқлаштирувчи кенгашида тиббиёт олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан топширилаётган адабиётлар атрофлича ўрганиб чиқилди. Таҳлил натижасида аксарият дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётларнинг сифатсизлиги, уларда грамматик, стилистик, орфографик ва шунга ўхшаш ҳатоларнинг мавжудлиги ҳамда бошқа муаллифлар яратган адабиётларни кўчириш (плагиат) ҳолатларининг учраши, 2-4-6 соатлик мавзулар учун 200-300 бетдан иборат ўқув қўлланмаларининг яратилаётганлиги ва бошқа салбий ҳолатлар аниқланди. Бу ўз навбатида Марказга топширилаётган аксарият адабиётларни қайта ишлаш учун такрор-такрор қайтарилишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, 2015 йилдан бошлаб, Марказга ўқув ва услубий адабиётларни қуйидаги қатъий тартиб ва талаблар асосида қабул қилинишини эслатиб ўтамиз:

1. Дарслик (ва муаллифлар рўйхати) Ректорлар раёсати билан келишилиб, Тиббий таълимни ривожлантириш маркази томонидан тасдиқланган истиқбол режа асосида яратилади.

2. Ўқув қўлланмалар (100 бетдан кам бўлмаслиги зарур) моноавторликда яратилиши мақсадга мувофиқдир. Агар тегишли фандан ўзбек ва рус тилида дарслик мавжуд бўлса ҳамда ишчи ўқув дастурга мувофиқ мавзу 50 соатдан кам ҳажмда ўқитилса, ушбу мавзу бўйича ўқув қўлланма яратилмайди.

3. Ҳамкорликда яратилган ўқув-услубий материаллар муаллифлари сони 2-3 тадан ошмаслиги шарт.

4. Мувофиқлаштирувчи кенгашга фақат Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ВАК)га тақдим этиш учун моноавторликда тузилган ўқув-услубий адабиётлар қабул қилинади.

5. Мувофиқлаштирувчи кенгашга топшириладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётларининг рус тилидаги нусхасининг ўзбек тилига тарجمаси бўлиши шарт.

TOSHKENT TIBBIYOT VA
AKADEMIYASI

6. Мувофиқлаштирувчи кенгашга дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий адабиётлар ва ўқув дастурлари тегишли фанларнинг **Монотематик комиссиялари** хулосаси билан топширилади.

7. Дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётларининг ўзбек ва рус тилидаги нусхалари вазирликларда тасдиқдан ўтгандан сўнг уларни **инглиз тилига** таржима килиб, олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори билан чоп этишга руҳсат берилади.

Сиздан, юқорида қайд этилган тартиб ва талабларни барча кафедралар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларга етказилишини таъминлаб беришингизни сўраймиз.

Директор



М.Х. Алимова